Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2012-yil, 1-may. Seshanba • 53-54 (31.486) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ижтимоий ҳимоя

**Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш даврида аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олиш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга. Юртимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ижтимоий ҳимояни кафолатлаш бўйича ўзига хос механизм яратилди. Бу — ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.**



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

# ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ

## *унинг ҳуқуқий асоси янада такомиллашиши лозим*

Маълумки, 2010 йилдан бошлаб пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш, тўловини мониторинг қилиш ҳамда ҳисоботини юритиш Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилмоқда. Мазкур жамғарма, шунингдек, тиббий-меҳнат экспертизаси фаолиятини ташкил этиб келмоқда.

Соҳада амалга оширилаётган ҳуқуқий ва иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ жамғарма фаолияти бирмунча такомиллашди. Унинг даромадлари харажатларига нисбатан сезиларли даражада ошди. Бу пенсия ва ижтимоий нафақаларни ўз вақтида молиялаштириш имконини бермоқда. Жамғарма пенсия таъминоти тизимини халқаро андозаларга мувофиқлаштиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Хусусан, ҳудудий бўлинмаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хизмат сифати ва хавфсизлигини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация воситалари имкониятидан унумли фойдаланиш, тизимдаги кадрлар салоҳиятини ошириш, илғор билим ва кўникмаларини кучайтириш бўйича мунтазам иш олиб борилаяпти.

*(Давоми 2-бетда.)*

Хушхабар

# ЙЎЛЛАНМАЛАР СОНИ 47 ТАГА ЕТДИ

**Хитойнинг Таюан шаҳрида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича Лондон олимпиадасига йўлланма берувчи йирик халқаро турнир ўз ниҳоясига етди. Унда мамлакатимиз спортчилари XXX ёзги Олимпия ўйинларига яна иккита йўлланмани қўлга киритишди.**

Жумладан, эркин кураш бўйича муросасиз кечган беллашувларда икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров (55 кг) Сергей Патуш (Украина), Мариус Хаждуг (Польша) ҳамда Андрей Дуков (Руминия)ларни мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўлланма олди. Финал йўлланмаси учун кечган учрашувда ҳамюртимиз жанубий кореялик Ким Жин Чолни енгди. Аммо Ванг Кёнг Ил(КХДР) билан ўтган ҳал қилувчи баҳсда Дилшодга омад кулиб боқмади ва мусобақанинг кумуш медали билан кифояланди. Мусобақа низомига кўра, кучли учликдан жой олган барча курашчилар Лондон олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритишарди. Моҳир спортчимиз Дилшод Мансуров бунгача Афина ва Пекинда ўтказилган ёзги Олимпия ўйинларида ҳам Ватанимиз шаънини ҳимоя қилишга муваффақ бўлган.

Қувонарлиси, юнон-рум кураши беллашувларидан ҳам вакилларимиз Лондон олимпиадаси йўлланмаси билан қайтадиган бўлдилар. Унда умидли ва иқтидорли спортчимиз Элмурод Тошмуродов (55 кг) бронза медали учун кечган учрашувда германиялик курашчини доғда қолдириб, XXX ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шунингдек, кеча Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизматининг билдиришича, оғир атлетика бўйича мамлакатимиз аёллар терма жамоаси ҳамда ўқ отиш спорт тури бўйича ҳам спортчиларимиз яна биттадан Лондон олимпиадаси йўлланмаси соҳиби бўлишган.

Эслатиб ўтамиз, ҳозиргача Ўзбекистон спортчиларининг XXX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалари сони қирқ еттитага етган. Агар олдинда яна бошқа спорт турлари бўйича ҳам саралаш мусобақалари борлигини назарда тутсак, бу кўрсаткич албатта ўсишига шубҳа йўқ.

**(Ўз мухбиримиз).**

Бошланғич ташкилот — асосий таянч

# ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ЖИПСЛИГИ

## *қуйи бўғин фаолиятида муҳим омил бўлмоқда*

— Туманимизда 2700 га яқин ЎзХДП аъзоси бўлиб, улар 89 та бошланғич ташкилотга бирлашган, — дейди **Учтепа туман партия кенгаши раиси Санталат Муҳиддинова.**




— Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда сиёсий партияларнинг ўрни қандай бўлиши кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотлар фаолиятига боғлиқ. Чунки қуйи бўғин электорат вакилларини ўйлантираётган муаммоларни яхши билади, депутатлик гуруҳи доимий комиссия ва сессиялар муҳокамасига масала олиб чиқишда уларга суянади.

Бундан ташқари, бошланғич ташкилотлар партия аъзолари сиёсий-ҳуқуқий онги ўсишида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун жойларда кўплаб тадбирлар ўтказаяпмиз. Бунда қуйи бўғин ташаббус билан чиқаётгани бизни қувонтиради. Айниқса, шаҳар тез-тиббий ёрдам клиник шифохонасида тузилган ташкилот ўзининг ташаббускорлиги ва фаоллиги билан ажралиб туради. Ҳозир уларнинг иш тажрибасини оммалаштиришга ҳаракат қилаяпмиз.

— Айни пайтда ташкилотимиз 138 нафар аъзони ўзида жамлаган, — дейди **бошланғич ташкилот етакчиси Муқаддас Саидхўжаева.** — Уларнинг ҳар бири билан алоҳида иш олиб бораяпмиз. Ҳар ҳафта аъзолар билан давра суҳбати ўтказамиз. Унда юртимизда бўлаётган ўзгаришлар ва қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр алмашамиз. Бу орқали уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга интилаяпмиз. Шунингдек, партиямиз электорати ҳисобланган ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатиб келамиз.

— Мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнда ҳар бир фуқаронинг ўз ўрни ва иштироки бўлиши керак, — дейди **бошланғич ташкилот аъзоси Обида Қосимова.** — Мен ЎзХДП аъзоси сифатида жамоат ишларида фаол қатнашишни истайман. Одамларга қанча кўп нафим тегса, ўзимнинг ҳам, партиямизнинг ҳам шунча обрўйи ошади. Ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти шуни тақозо этади.

Дарҳақиқат, ҳам бошланғич ташкилотнинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасини астойдил бажариши, одамларда партияга бўлган ишончни мустаҳкамлаши, унинг жамиятдаги нуфузи юксалишига муносиб ҳисса қўшиши лозим.

**Нурали ОРИПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ҳуқуқий тарғибот

***Диққат: 1-31 май кунлари мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бўлиб ўтади***

Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи, подполковник **Анварxўжа Сулаймонхўжаев** билан суҳбат.

# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ БАРЧАНИНГ ИШИ

***— Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида соҳа ходимлари томонидан қандай тадбирлар амалга ошириляпти?***

— Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан республикамиз ҳудудида ҳар йили мунтазам равишда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилиб келинмоқда. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини янада ошириш, транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар иштирокидаги йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш ва ушбу масалаларга кенг жамоатчиликнинг, турли ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг ҳамда оммавий ахборот воситаларининг эътиборини қаратиш мазкур ойликнинг асосий вазифалари этиб белгиланди.



Шунингдек, фуқаролар онгида йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўрганиш ва уларга қатъий риоя қилиш кўникмаларини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар бир инсон йўл ҳаракати иштирокчисига айланар экан, у ҳайдовчи, йўловчи ёки пиёда бўлишидан қатъи назар ўзининг ва атрофидагиларнинг хавфсизлигини таъминлашга масъул эканлигини англаши зарур.

⇨ 5

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

➔ 2

Партиялараро баҳс

## ЎзХДП АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНМОҚДА

*«адолатчи»лар эса ғояларни илгари суриш билан банд*

➔ 2

Истиқлол имкониятлари

## АНДИЖОН:

## БУНЁДКОРЛИК ҒОЯСИ АМАЛДА

*унинг самаралари кўнгилларни шод ва обод қилмоқда*

5-бет



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 1 МАЙДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Евро | 2452,37 | 1 Дания кронаси | 331,18 | 1 Хитой юани | 294,66 | 1 Туркия лираси | 1056,11 |
| 1 АҚШ доллари | 1859,07 | 1 БАА дирҳами | 506,16 | 1 Украина гривнаси | 232,68 | 1 Швейцария франки | 2050,60 |
| 1 Россия рубли | 63,31 | 1 Миср фунти | 307,54 | 1 Малайзия ринггити | 613,15 | 10 Жанубий Корея вони | 16,43 |
| 1 Австралия доллари | 1943,47 | 1 Исландия кронаси | 14,82 | 1 Польша злотийси | 591,59 | 10 Япония иенаси | 231,89 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3027,50 | 1 Канада доллари | 1896,43 | 1 СДР | 2880,46 | | |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ



**Давлат ва жамият бошқаруви тизимида замонавий ахборот ва коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, шу орқали ахборот алмашинувида тезлик ва сифат ортади, кўрсатилаётган хизматлар такомиллашади. Мамлакатимизда бу борада тегишли ҳуқуқий асос яратилган. Хусусан, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонунлар шу мақсадга хизмат қилади.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида шу икки Қонун ижроси юзасидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси тизимида амалга оширилган ишлар бўйича мутасадди раҳбарлар ахбороти тингланди.

— Дастлаб қўмита ишчи гуруҳи тузилди, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ҳафиза Каримова.** — У Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати, Тошкент шаҳри, Жиззах ва Хоразм вилояти бўлимлари қонунлар ижроси бўйича қилинган ишларни ўрганди. Илғор ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси атрофлича таҳлил қилинди. Таъкидлаш керакки, вазирлик ҳамда қўмита қонунлар талабларидан келиб чиқиб, қатор ижобий ишларни амалга оширган.

Вазирликнинг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар ва тегишли идораларда ахборот тизимлари ва веб-сайтлар яратилган, уларнинг узлуксиз ҳамда хавфсиз ишлаши таъминланган. «Спорт иншоотлари реестри», «Миллий музей фонди ягона каталоги» каби ахборот ресурслари ташкил этилган.

Вазирликда спорт тадбирлари календар режаси мониторингини автоматлаштириш ҳамда мазкур тадбирларни ўтказишнинг таҳлилини таъминлаш мақсадида «SKM SPORT TADBIR» компьютер дастури амалиётга жорий қилинган. Мазкур дастур республикамиз ва хорижда ўтказилаётган, шунингдек, кўзда тутилган спорт тадбирларининг электрон тақвим режаси ва маълумотлар базасини ўзида жамлаган. У маълумотларни қайта ишлаш, таққослаш, таҳлил қилиш ва турли ҳисоботлар тайёрлаш каби ишларни автоматик тарзда бажаради.

Бугунги кунда Давлат статистика қўмитаси тизимидаги ходимлар тўлиқ компьютер билан таъминланган. Ҳар бир компьютер корпоратив тармоққа уланган, қонун меъёрларига мувофиқ мутасадди ходимлар электрон рақамли имзо калитлари билан таъминланган.

Тадбирда сўзга чиққан депутатлар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси электрон ҳужжат айланиши ва электрон рақамли имзодан фойдаланишга оид қонунлар ижросида айрим камчиликларга ҳам йўл қўяётганини қайд этди. Жумладан, вазирлик ва қўмита бошқарув самарадорлигини оширишда илғор ахборот-коммуникация воситаларидан унумли фойдаланмаётгани, интерфаол хизматлар турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, статистик ҳисоботларни электрон шаклда қабул қилиш тизимини ташкил этиш, электрон рақамли имзони кенг жорий қилиш бўйича талаб даражасида иш олиб бормаётгани таъкидланди.

Шундан келиб чиқиб, йиғилишда давлат идоралари фаолияти тўғрисидаги ахборотни аҳолига етказиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишга масъул ходимларнинг билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш, ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Маданият ва спорт ишлари вазирлигига миллий маданиятимиз, маънавий қадриятларимиз, спорт соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳамда қўлга киритилаётган ютуқлар аҳамиятини очиб бериш бўйича ахборот манбаларини яратиш, бунга эътиборни кучайтириш юзасидан тавсиялар берилди. Бу — Интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Йиғилиш якунида Ахборот ва коммуникация воситалари қўмитаси тегишли қарор қабул қилди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ижтимоий ҳимоя

# ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ

## *унинг ҳуқуқий асоси янада такомиллашиши лозим*

Ҳаёт борки, ўсиш-ўзгариш ва янгилик бўлади. Айниқса, ҳар бир соҳада ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар такомиллашиб бораётган ҳозирги шароитда **пенсия таъминоти тизимини янада ривожлантириш, пенсия ва нафақа олувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун талаби даражасида ҳимоя қилиниши**га эришиш ғоятда муҳим.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказган «Фуқаролар давлат пенсия таъминотининг ҳуқуқий асослари: мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари» мавзусидаги семинарда шу масала атрофлича муҳокама қилинди.

Унда фуқароларнинг пенсия таъминоти, унга оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ҳақида фикр алмашилди.

**Сўзга чиққанлар пенсия ва нафақаларни тайинлашда юзага келаётган айрим муаммолар, уларни бартараф этиш чораларига эътибор қаратишди. Маълум бўлишича, пенсия микдорини белгилашда муайян ҳолларда меъёрий талаблар бузилмоқда. Бунга қишлоқ хўжалиги тизимидаги корхоналар ва хусусий тадбиркорлик субъектлари пенсия тайинлаш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини талаб даражасида қўлламаётгани, шу билан бирга, уларни архив идораларига тўлиқ топширмаётгани асосий сабаб бўлмоқда. Шу каби камчиликларнинг олдини олиш, пенсия ёки нафақа тайинланишини сўраб мурожаат қилган фуқароларга пишиқ-пухта хизмат кўрсатиш учун тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш лозим.**

Тадбирда, шунингдек, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ва тиббий-маслаҳат комиссиялари фаолиятини халқаро тажрибага мослаштириш бўйича фикр-мулоҳаза билдирилди. Таъкидландики, 16 ёшгача ва ундан юқори ёшдаги фуқароларнинг ногиронлик ҳолатини белгилаш тамойилларини қайта кўриб чиқиш, уларни амалга ошириш тартибини мувофиқлаштириш, бунинг учун қонуний асосни кучайтириш зарур. Ижтимоий ҳимоя тизимининг янада самарадорлигини таъминлаш, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг манзиллилигини оширишда бу ғоятда муҳим.

Семинар якунида кун тартибидаги масалалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ҚИЗЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ



**Олмазор туманидаги 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатида ўтказилган кўрик-танлов мана шу масалага бағишланди.**

**Мухтабар АЛИМТАЕВА,**
***мактаб-интернат директори, ЎзХДП фаоли:***

— Ҳозир мактабимизда 351 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда. Бу йил улардан 43 нафари таҳсилни тугатиб, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқишни давом эттиради. Шу боис, уларни касб-ҳунарга йўналтириш, мустақил ҳаётга тайёрлаш билим даргоҳининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. «Ораста қизлар» танловини ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам шу аслида. Унда қизларимиз бичиш-тикиш, пазандачилик, либослар намойиши ва оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби шартлар бўйича беллашди. Қаранг, бугун улар бор меҳри, қалб-қўри билан турли таомлар тайёрлашди, чеварликда бир-биридан қолмасликка интилди. Уларнинг чаққонлиги, тиришқоқлигини айтмайсизми! Энг муҳими иштирокчиларнинг юз-кўзида ўзига, ҳаётга бўлган қатъий ишонч мужассам.

**Доно ЙЎЛДОШЕВА,**
***мактаб-интернат ўқитувчиси:***

— Бизнинг интернатда ўқувчилар махсус таълим стандарти бўйича таҳсил олса-да, уларнинг дунёқараши, интеллектуал салоҳияти ва интилишлари бошқа тенгдошларига нисбатан ортиқ бўлса, ортиқ, аммо кам эмас. Яқинда уларни амалий санъат музейига олиб бордик. Чунки ўқувчиларимизнинг тарихга, айниқса, санъат тарихига қизиқиши жуда кучли. Миллий ҳунармандчиликнинг қадимий ва нодир намуналари уларда оламжаҳон таассурот қолдирди. Бугунги тадбир ҳам ўқувчиларимиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолади. Болаларнинг хурсандчилиги, шўх-шодон мусиқаларга мириқиб рақсга тушиши биз ўқитувчиларни беҳад қувонтирди.

**Маҳфуза ҚУРБОНАЛИЕВА,**
***интернат тарбияланувчисининг онаси:***

— «Ораста қизлар» кўрик-танловида қатнашаётганлар орасида менинг қизим ҳам бор. Ҳозир унинг интилиши, ўзгача бир иштиёқ билан шартларни бажараётганини кўриб, кўзларимга ёш келди. Бу сўзларни иштирокчиларнинг барчасига нисбатан айтиш мумкин. Ҳамма қизларнинг ишлари эътиборга молик. Чин кўнгилдан ҳаракат қилишаяпти. Ота-она учун фарзанд қувончидан ортиқ бахт йўқ. Болаларимизга шундай шароит яратиб берган мактаб-интернат жамоасидан миннатдормиз.

**Шоира ИНОҒОМОВА,**
***15-оилавий поликлиника ҳамшираси:***

— Бу масканда анъанавий тарзда ташкил этиладиган кўрик-танловда тиббиёт ходимлари ҳам фаол иштирок этиб келади. Чунки унда оилада соғлом муҳитни шакллантириш, болаларни шахсий гигиена қоидаларига амал қилишга ўргатиш, балоғат ёшидаги қизларга эса оила ҳақида тушунча берилади. Бундан ташқари мазкур мактаб-интернатда «Тозалик — соғлик гарови», «Мактабдаги энг ораста ўқувчи», «Орасталик — шиоримиз» каби мавзуларда ҳам танловлар ўтказиб келамиз. Бу эса ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи қарор топишида муҳим аҳамият касб этади.

**Нурали ОРИПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Партиялараро баҳс

# ЎзХДП АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНМОҚДА

## *«адолатчи»лар эса ғояларни илгари суриш билан банд*

**Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар замирида энг аввало, инсон манфаатлари, унинг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари, эркин ва фаровон ҳаёти, ёруғ келажаги мужассам. Шу маънода, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар тобора изчил тус олаётир. Бу жараёнда кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши, сиёсий партиялар фаолиятининг, улар ўртасида холис рақобат, амалий баҳснинг кучайиши ўта муҳим аҳамиятга эга.**

Бунинг учун эса ҳар бир сиёсий партия дастурий мақсад вазифаларидан келиб чиқиб, ўз электоратини ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни янада чуқур ўрганиши ҳамда уларни ҳал этиш бўйича зарур таклифларни илгари суриши, янада аниқроқ айтганда, ўз фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиши учун курашни кучайтирмоғи лозим. Бугун фақат ваъдалар, тадбирбозлик ёки илгари сураётган ғояларини санаш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Яқинда, аниқроғи, шу йилнинг 30 мартида «Адолат» газетасида «ХДП: кеча демократ, бугун социал-демократ ва либерал. Эртага-чи?» деган мақола эълон қилинди. Унда ЎзХДП ҳар хил ғояларга эргашиб кетишда, беқарорликда айбланади. Бунинг устига «Уларнинг электорати ким ўзи?» — деган савол ҳам ўртага ташланади. Эътибор берган бўлсангиз, кейинги пайтларда «адолатчи»лар бу масалага кўп урғу беришмоқда. «ХДП «Карвон»и қаёққа йўл олди?» (2011 йил 8 июль), «ХДПнинг «тушунарсиз мафкура»си» (2011 йил 4 февраль) каби мақолаларда бир қарашда қизиқарли баҳс юритилаётганга ўхшайди. Аммо мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятини кузатиб бораётган кишида «Адолат» СДП фаоллари бошқа сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари ва ғояларидан бехабармикин, деган савол туғилади.

«Адолатчи»лар даъвосича, партиямиз платформаси ҳанузгача мавҳум ва тушунарсиз эмиш. ЎзХДП мустақил Ўзбекистонда ташкил этилган биринчи сиёсий партия сифатида нисбатан кўпроқ тажрибага эга ва у ўз электорати, ғоявий мақсадини аллақачон аниқлаб олган. Шу боис «адолатчи»лар билан бу ҳақда баҳслашишни ўринсиз, деб ўйлаймиз.

**Бироқ партиялараро баҳс юритишда «Адолат» СДП етакчи ва фаоллари танлаган йўлга нисбатан баъзи мулоҳазаларни билдирмоқдамиз. Назаримизда, улар танқид учун мавзу топишга қийналишаётганга ўхшайди. Буни «Адолат»даги асоссиз даъволар, бир мақоладаги фикрлар бошқасида қайта-қайта такрорланиши, ҳатто айрим жумлалар мақоладан мақолага кўчаётганидан ҳам кўрса бўлади.**

Ўтган йили июль ойида, яъни бундан тўққиз ой аввал эълон қилинган «ХДП «Карвон»и қаёққа йўл олди?» номли мақолада «**Бугун телевидение дастурларида асосан ХДП ўтказаётган назарий тадбирлар кўзга ташланаяпти, холос. Амалий ишлардан дарак йўқ. Демак, улар нима биландир шуғулланишаяпти... Аммо уларнинг маҳаллий ижроия ҳокимиятлари устидан жамоатчилик назоратини самарали олиб бораётгани хусусида ломлим дейилмаяпти. Бу сўзларга қўшимча қилишга ёки уларни изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак**», дейилади. Айни шу жумла кейинги мақолада ҳам бирор жойига қалам тегизилмасдан келтирилади. Бу нимани кўрсатади? Янги гап, янги фикр айтишга, янги жумла тузишга куч йўқми ёки ҳафсалами? Орадан яна бир йил ўтгач, «адолатчи»лар навбатдаги мақолада ҳам бу жумлалардан фойдаланишса ажаб эмас.

Ўтган йили чоп этилган мақолада «адолатчи»лар Халқ демократик партиясининг амалий ишларидан атайлаб кўз юмган эди, кейинги мақолада ҳам айнан шу кайфият сезилиб турибди. Ваҳоланки, ЎзХДПнинг амалий ишларини кўпчилик эътироф этаётгани иқтисодий форумлар, «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасидаги тадбирлар, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар сессияларига ХДП депутатлик гуруҳлари томонидан киритилаётган таклифлардан ҳам билса бўлади.

Биз ЎзХДП фаолиятида камчилик йўқ, деган фикрдан йироқмиз. Аммо электорат манфаати йўлида аниқ амалий ишлар қилинаётганини ҳам инкор этмаймиз.

Хўш, «Адолат» СДП ўз электорати манфаатига хизмат қиладиган қандай амалий таклиф, ташаббус ёки лойиҳаларни илгари сурмоқда? Партия аъзолари бу саволга «биз муқобил энергияни ривожлантиришга қаратилган ғояларни таклиф қилаяпмиз», деб жавоб беришни одат қилиб олишган. Аммо ҳар қандай ғоя, агар у амалда татбиқ этилмаса, унинг ҳеч қандай қиммати қолмайди. «Зарур, керак, муҳим, эътибор қаратамиз», деган баландпарвоз гаплар билан эса иш битмайди. Бироқ «адолатчи»лар бу оддий ҳақиқатни тан олгиси келмаётганга ўхшайди.

Ўтган йил чоп этилган «ХДП «Карвон»и қаёққа йўл олди?» сарлавҳали мақолада шундай дейилган: **«Газета саҳифаларида кичик ва хусусий бизнеснинг ҳимоясига бағишланган мақолалар шу даражада кўпайиб кетдики, ХДП кимнинг манфаати ҳимоячиси, тадбиркорларнингми ёки кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнингми, деган табиий савол туғилаяпти».** Бу гаплар ҳам яқинда эълон қилинган «ХДП: кеча демократ, бугун социал-демократ ва либерал. Эртага-чи?» мақоласида яна айнан келтирилади.

Холис танқидий фикр бу зайлда ифода қилинмайди. Ҳеч бўлмаганда ХДПнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти таҳлил қилиниб, камчиликлар ҳақида аниқ фикр юритилганда эди, буни тўғри тушуниш мумкин бўларди. Бироқ «адолатчи»лар бошқа йўлни — шовшувлироқ, аслида замири пуч усулни танлашмоқда.

«Адолатчи»лар «ХДП кимнинг манфаати ҳимоячиси, тадбиркорларнингми ёки кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнингми?» — дейиши ўта мантиқсиз савол эмасми? ЎзХДП ўтказган иқтисодий форумлар айнан электорат вакилларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилди-ку. Ўз ишини йўлга қўймоқчи бўлган, аммо бунга маблағи йўқ ёки қонуний йўл-йўриқларни билмаган кўплаб ёшлар ЎзХДП ёрдамидан манфаат кўрди-ку! Ёки биз ҳам «адолатчи»лар сингари фақат ғояларни илгари суриш билан шуғулланиб амалий ишлар қилмаслигимиз керакмиди?

Шу ўринда, яна бир гап. «Адолат» газетасида чоп этилган «Адолат» янгиликка интилаётган партия, аммо ХДП буни тан олгиси йўқ» деган мақолада шундай фикр илгари сурилган: **«Замонавий сиёсатчилар фикрича, ХДПга ўхшаш сўл партиялар оммавий тадбирлар ўтказишга мойилроғ-у, айни пайтда сиёсий рақибларининг амалий ишларини, сиёсий майдон кенгликларидаги фаолиятларини кўриб-кўрмаганликка олишаркан».** Кейинги мақолада ҳам «адолатчи»лар шунга ўхшаш яна бир гапни айтишади: **«Замонавий сиёсатшунослар таъкидлаганларидек, сўл партиялар оммавий тадбирлар ўтказишга мойилроқ бўлар экан-у, илгари сураётган таклиф ва ташаббусларни амалга татбиқ этишга келганда сусткашликка йўл қўяр экан».**

**«Адолатчи»лар айтган бу «замонавий сиёсатшунослар» кимлиги, бу фикрларни қайси асарда ёзиб қолдирганини билмадиг-у, аммо бу гаплар «Адолат» СДПнинг бугунги фаолиятига айнан дахлдор эмасми?**

Матбуотда партиялараро кураш мавзуси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотади, ўз навбатида, одамларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишга хизмат қилади. Бунинг учун соғлом ва амалий, холис баҳс-мунозара зарур. Аксинча бўлса, ундан сиёсий партияга ҳам, электоратга ҳам наф тегмайди.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Реклама

# ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ: 2012 - 04

2012 йил 28 апрелда чиқарилган.

Тендер таклифларини бериш муддати — 2012 йил 25 май соат 12.00 гача

Заём № 2775-UZB: «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши инвестиция дастури»

1. Ўзбекистон Республикаси учун **«Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши инвестиция дастури» (ҚЖУЖҚИД)** бўйича молиялаштиришнинг мультиранш механизми ва харажатларни молиявий таъминлашга Осиё тараққиёт банки (ОТБ)нинг оддий капитал маблағлари ҳисобига молиявий воситачиликка заём берилади. Мазкур заём маблағлари қишлоқ жойлардаги уй-жойларнинг тасдиқланган харидорлари томонидан қуйида кўрсатилган лотлар учун тузилган шартномалар бўйича тўловларни қоплашда фойдаланилади. Шартноманинг қоида ва шартлари ҳамда ушбу шартномалар бўйича тўловлар ўз-ўзидан Осиё тараққиёт банки билан заём тўғрисидаги битимнинг барча қоидалари ва шартларига, шу жумладан, сотиб олиш бўйича қўлланмага мос келиши лозим. Танлов асосидаги савдо ОТБ малакавий шартларини қондирадиган мамлакатлардан бўлган савдо иштирокчилари учун очиқ.

2. Танлов асосидаги савдода иштирок этиш учун тендернинг ҳуқуқий ваколати бўлган оферентлардан қуйидаги лотлар бўйича муҳрлаб ёпиштирилган пакетлар қабул қилинади. Тендер савдосига фақат давлат идораларида рўйхатга олинган ва тендер ҳужжатларининг 3-бўлимига мувофиқ баҳолашнинг асосий талаблари ва малака мезонларига жавоб бериб, ҳуқуқий ваколати бўлган савдо иштирокчиларигина қўйилади. Савдо иштирокчилари тендер савдосида иштирок этиш юзасидан қарор қабул қилиш учун тендер ҳужжатлари билан танишиб чиқишлари лозим.

3. Келгусида ахборот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиб чиқиш учун савдо иштирокчилари Қишлоқ қурилиш инвест (ҚҚИ)нинг тегишли ҳудудий бўлими билан боғланиши даркор:

| ҚҚИ Андижон филиали | ҚҚИ Жиззах филиали | ҚҚИ Қашқадарё филиали | ҚҚИ Фарғона филиали |
|---|---|---|---|
| **Манзил**: Андижон ш., А.Фитрат кўчаси, 239-А.<br>**Телефон:** + 8 (374) 225-48-79.<br>**Факс:** + 8 (374) 225-48-79.<br>**Эл. почта**: and_invest@inbox.uz | **Манзил**: Жиззах ш., Халқлар дўстлиги кўчаси, 5.<br>**Телефон:** + 8 (372) 223-47-75.<br>**Факс:** + 8 (372) 223-47-75.<br>**Эл. почта**: qqi.jizzah@mail.ru | **Манзил**: Қарши ш., Хонобод кўчаси, 21.<br>**Телефон:** + 8 (375) 224-01-29.<br>**Факс**: + 8 (375) 224-01-29.<br>**Эл. почта**: invest.karshi@mail.ru | **Манзил**:Фарғона ш., Қурувчилар кўчаси, 13.<br>**Телефон:** +8 (373) 224-40-78.<br>**Факс:** +8 (373) 224-40-78.<br>**Эл. почта**: qqi.fergana@mail.ru |

4. Рус тилидаги тендер ҳужжатларини олиш учун савдонинг ҳуқуқий ваколати бўлган иштирокчилари юқорида кўрсатилган манзилга хат жўнатишлари ва унга банкдан 65 000 сўм миқдорида қопланмайдиган тўлов тўғрисидаги ҳужжатни илова қилишлари керак.

5. Ҳужжатларнинг бир тўплами учун тўловнинг қопланмайдиган миқдорини «Қишлоқ қурилиш инвест» ИКнинг банк ҳисоб-рақамига киритиш лозим. Қуйида банк рақамининг реквизитлари келтирилади:

| ҚҚИ Андижон филиали ҳисоб-рақами | ҚҚИ Жиззах филиали ҳисоб-рақами | ҚҚИ Қашқадарё филиали ҳисоб-рақами | ҚҚИ Фарғона филиали ҳисоб-рақами |
|---|---|---|---|
| **Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:** ОАТБ «ҚҚБ» Андижон филиали<br>**ИНН: 301291517**<br>**Ҳисоб-рақами:** 20208000404795447002<br>**МФО: 82** | **Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:** ОАТБ «ҚҚБ» Жиззах филиали<br>**ИНН: 207019035**<br>**Ҳисоб-рақами:** 20208000304796545001<br>**МФО: 139** | **Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:** ОАТБ «ҚҚБ» Қашқадарё филиали<br>**ИНН: 301291517**<br>**Ҳисоб-рақами:** 20208000004795447004<br>**МФО: 155** | **Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:** ОАТБ «ҚҚБ» Фарғона филиали<br>**ИНН: 301291517**<br>**Ҳисоб-рақами:** 20208000204795447003<br>**МФО: 501** |

6. Танлов билан боғлиқ таклифни киритиш юзасидан талаб қилинадиган ҳужжатлар учун форматлар савдо иштирокчилари учун йўриқнома (СИУЙ)нинг 1-бўлимида белгиланган бўлиб, улар тендер ҳужжатларининг таркибига киради. Танлов билан боғлиқ таклиф тендер савдосида иштирок тўғрисидаги хат-таклиф ва қуйидаги параграфларда келтирилган ҳужжатларни ўз ичига олиши керак. СИУЙ 11 га мувофиқ техникавий ва баҳолаш бўйича танлов таклифлари алоҳида муҳрлаб ёпиштирилган конвертларда, иккаласи эса ўз навбатида муҳрлаб ёпиштирилган битта ташқи конвертга солиниб, хат-тендер таклифи билан бирга тақдим этилиши лозим.

7. Техникавий танлов таклифи СИУЙ 11.2 да санаб ўтилган ҳужжатларни ўз ичига олиши зарур:

· СИУЙ 12 ва СИУЙ 16 та мувофиқ хат-техникавий таклиф;

· СИУЙ 19 га мувофиқ 15 000 000 сўм миқдордаги тендер кафолати;

· Ишончнома, танлов таклифига имзо чекувчи, ваколат берадиган томон зиммасига СИУЙ 20.2 га мувофиқ таъминлаш вазифасини юклаш;

· Шартномани бажариш учун савдо иштирокчиси малакасини тасдиқлаш учун СИУЙ 17 га мувофиқ ҳужжатли тасдиқ;

· СИУЙ 16.1 бандига мувофиқ техникавий таклиф;

· Савдонинг ахборот жадвалига мувофиқ бошқа ҳужжатлар.

8. Танловнинг баҳо таклифи СИУЙ 11.3 та санаб ўтилган ҳужжатларни ўз ичига олган бўлиши лозим:

а) СИУЙ 12 ва СИУЙ 14 га мувофиқ хат-баҳо бўйича таклиф;

б) СИУЙ 12 ва СИУЙ 14 га мувофиқ ресурс сметалари ва тўлдирилган баҳо жадваллари ёки Савдо Ахборот жадвалидаги кўрсатмаларга асосан;

с) Савдо Ахборот жадвалида кўрсатилган бошқа ҳужжатлар.

9. Барча тендер таклифлари «ОРИГИНАЛ» деб аниқ-равшан кўрсатилган ҳолда муҳрлаб ёпиштирилган битта (1) оригинал нусха ва «КОПИЯ» деб аниқ-равшан кўрсатилган ҳолда мухрлаб ёпиштирилган тўртта (4) нусхада тақдим этилиши лозим. оригинал ва таклифнинг тўртта нусхаси қуйида кўрсатилган манзилга жўнатилиши керак. Тўртта бекитиб ёпиштирилган нусхадан биттаси шартноманинг ҳудудий тендер комиссияси томонидан берилишига қадар очилмайди ҳамда иккинчи нусха ҳудудий тендер комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги лойиҳани амалга ошириш гуруҳи манзилига сақлаш учун жўнатилади.

| Андижон вилояти тендер комиссияси | Жиззах вилояти тендер комиссияси | Фарғона вилояти тендер комиссияси | Қашқадарё вилояти тендер комиссияси |
|---|---|---|---|
| **Манзил:** Андижон ш., Пирмуҳамедов кўчаси, 1.<br>**Телефон:** + 8 (374) 226-72-02.<br>**Факс:** + 8 (374) 226-72-02.<br>**Эл. почта:** umum@andigan.uz | **Манзил:** Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 63.<br>**Телефон:** + 8 (372) 226-14-66.<br>**Факс:** + 8 (372) 226-14-66.<br>**Эл. почта:** info@gizzah.uz | **Манзил:** Фарғона ш., А.Навоий кўчаси, 15.<br>**Телефон:** + 8 (373) 224-18-76.<br>**Факс:** + 8 (373) 224-18-76.<br>**Эл. почта:** ferkhana@umail.ru | **Манзил:** Қарши ш., Мустақиллик майдони, 1.<br>**Телефон:** +8 (375) 224-05-24.<br>**Факс:** +8 (375) 224-05-24<br>**Сайт:** www.kashkadaryo.uz |

10. Офертадар Тендер комиссияси томонидан танлов савдосини ўтказиш тўғрисида эълон чоп этилган санадан бошлаб юқорида 8-бандда кўрсатилган манзилда иш вақтида (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача) қабул қилинади. СИУЙ 22.1га мувофиқ тендер таклифлари тегишли Тендер комиссиялари томонидан юқорида 9-бандда кўрсатилган манзилда, 2012 йил 25 май куни кундузи соат 12.00 да ёки ушбу муддатдан олдин олинади.

11. Агарда офертани топширишнинг охирги муддати байрам кунига тўғри келиб қолса, унда ариза беришнинг охирги муддати келгуси иш кунига қадар узайтирилади.

12. Оферталар 2012 йил 25 май соат 12.00 да, савдо иштирокчилари вакиллари иштирокида очилади. Оферталар 9-бандда кўрсатилган манзилда очилади.

# ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ: 2012 - 04

2012 йил 28 апрелда чиқарилган.

Тендер таклифларини бериш муддати — 2012 йил 25 май соат 12.00 гача

| Лот № | Вилоят | Туман | Массив | Энг яқин марказ/ шаҳар | Марказ/ шаҳарга энг яқин масофа (км) | Лот бўйича уйлар сони | Лот бўйича уйлар рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 197 | Андижон | Андижон | Қўшариқ | Андижон | 2 | 13 | 1, 2, 3, 4, 5, 6,7,8,9,10,11,12,13 |
| 198 | Андижон | Андижон | Қўшариқ | Андижон | 2 | 10 | 14,15,16,17,18,19,20,21,22,23 |
| | | | | | | **23** | |
| 199 | Андижон | Андижон | Истиқлол | Андижон | 3 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 200 | Андижон | Андижон | Истиқлол | Андижон | 3 | 8 | 11,12,13,14,15,16,17,18 |
| 201 | Андижон | Андижон | Истиқлол | Андижон | 3 | 8 | 19,20,21,22,23,24,25,26 |
| | | | | | | **26** | |
| 202 | Андижон | Андижон | Нўхатак | Андижон | 4 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20, |
| 203 | Андижон | Андижон | Нўхатак | Андижон | 4 | 8 | 21,22,23,24,25,26,27,28 |
| | | | | | | **18** | |
| 204 | Андижон | Андижон | Қумкўча | Андижон | 10 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| | | | | | | **10** | |
| 205 | Андижон | Асака | Файзобод | Андижон | 21 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| 206 | Андижон | Асака | Файзобод | Андижон | 21 | 10 | 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 |
| 207 | Андижон | Асака | Файзобод | Андижон | 21 | 10 | 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30 |
| 208 | Андижон | Асака | Файзобод | Андижон | 21 | 10 | 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40 |
| | | | | | | **40** | |
| 209 | Андижон | Асака | Конди | Андижон | 22 | 12 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12 |
| 210 | Андижон | Асака | Конди | Андижон | 22 | 11 | 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23 |
| 211 | Андижон | Асака | Конди | Андижон | 22 | 11 | 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34 |
| | | | | | | **34** | |
| 212 | Андижон | Асака | Янгисор | Андижон | 23 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| 213 | Андижон | Асака | Янгисор | Андижон | 23 | 10 | 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 |
| 214 | Андижон | Асака | Янгисор | Андижон | 23 | 10 | 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30 |
| | | | | | | **30** | |
| 215 | Андижон | Асака | Бобур | Андижон | 29 | 13 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13 |
| | | | | | | **13** | |
| 216 | Андижон | Олтинкўл | Иттифоқ | Андижон | 15 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| | | | | | | **10** | |
| 217 | Андижон | Бўз | Дўстлик | Андижон | 56 | 8 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8 |
| | | | | | | **8** | |
| 218 | Андижон | Избоскан | Қўшкўприк | Андижон | 35 | 15 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15 |
| | | | | | | **15** | |
| 219 | Андижон | Пахтаобод | Нодирабегим | Андижон | 30 | 11 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11 |
| 220 | Андижон | Пахтаобод | Нодирабегим | Андижон | 30 | 10 | 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21 |
| | | | | | | **21** | |
| 221 | Андижон | Шаҳрихон | Полосон | Андижон | 41 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| | | | | | | **10** | |
| 222 | Андижон | Шаҳрихон | Вахим | Андижон | 33 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| | | | | | | **10** | |
| | | | | | **Жами** | **268** | |
| 223 | Жиззах | Арнасой | F.Fулом | Жиззах | 65 | 13 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13 |
| | | | | | | **13** | |
| 224 | Жиззах | Бахмал | Бунёдкор | Жиззах | 70 | 12 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 18, 19, 20 |
| | | | | | | **12** | |
| 225 | Жиззах | Fаллаорол | Мулкиш | Жиззах | 35 | 13 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13 |
| 226 | Жиззах | Fаллаорол | Мулкиш | Жиззах | 35 | 12 | 14, 15, 16, 17, 18, 19, 32, 33, 34, 35, 36, 37 |
| | | | | | | **25** | |
| 227 | Жиззах | Дўстлик | Мевазор | Жиззах | 45 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 16, 17, 18, 19, 20 |
| 228 | Жиззах | Дўстлик | Мевазор | Жиззах | 45 | 10 | 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15 |
| 229 | Жиззах | Дўстлик | Мевазор | Жиззах | 45 | 10 | 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 38, 39, 40 |
| | | | | | | **30** | |
| 230 | Жиззах | Зарбдор | Бўстон | Жиззах | 15 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| | | | | | | **10** | |
| 231 | Жиззах | Зомин | Лайлак уя | Жиззах | 65 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| 232 | Жиззах | Зомин | Лайлак уя | Жиззах | 65 | 10 | 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26 |
| | | | | | | **20** | |
| 233 | Жиззах | Мирзачўл | Fалаба | Жиззах | 65 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| | | | | | | **10** | |
| 234 | Жиззах | Пахтакор | Чаманзор | Жиззах | 20 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| | | | | | | **10** | |
| | | | | | **Жами** | **130** | |
| 235 | Қашқадарё | Деҳқонобод | Бешбулоқ | Қарши | 102 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| 236 | Қашқадарё | Деҳқонобод | Бешбулоқ | Қарши | 102 | 10 | 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 |
| 237 | Қашқадарё | Деҳқонобод | Бешбулоқ | Қарши | 102 | 10 | 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30 |
| 238 | Қашқадарё | Деҳқонобод | Бешбулоқ | Қарши | 102 | 10 | 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40 |
| 239 | Қашқадарё | Деҳқонобод | Бешбулоқ | Қарши | 102 | 10 | 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50 |
| 240 | Қашқадарё | Деҳқонобод | Бешбулоқ | Қарши | 102 | 10 | 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60 |
| 241 | Қашқадарё | Деҳқонобод | Бешбулоқ | Қарши | 102 | 10 | 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70 |
| 242 | Қашқадарё | Деҳқонобод | Бешбулоқ | Қарши | 102 | 10 | 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80 |
| 243 | Қашқадарё | Деҳқонобод | Бешбулоқ | Қарши | 102 | 10 | 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90 |
| 244 | Қашқадарё | Деҳқонобод | Бешбулоқ | Қарши | 102 | 10 | 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100 |
| | | | | | | **100** | |
| 245 | Қашқадарё | Китоб | Чармгар | Қарши | 125 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| 246 | Қашқадарё | Китоб | Чармгар | Қарши | 125 | 10 | 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30 |
| | | | | | | **20** | |
| 247 | Қашқадарё | Китоб | Қайнар | Қарши | 135 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| 248 | Қашқадарё | Китоб | Қайнар | Қарши | 135 | 10 | 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 |
| | | | | | | **20** | |
| 249 | Қашқадарё | Косон | Бойгунди | Қарши | 30 | 10 | 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 |
| 250 | Қашқадарё | Косон | Бойгунди | Қарши | 30 | 10 | 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30 |
| | | | | | | **20** | |
| 251 | Қашқадарё | Муборак | Қорақум | Қарши | 90 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| 252 | Қашқадарё | Муборак | Қорақум | Қарши | 90 | 10 | 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 |
| 253 | Қашқадарё | Муборак | Қорақум | Қарши | 90 | 10 | 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40 |
| 254 | Қашқадарё | Муборак | Қорақум | Қарши | 90 | 10 | 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30 |
| 255 | Қашқадарё | Муборак | Қорақум | Қарши | 90 | 10 | 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50 |
| | | | | | | **50** | |
| 256 | Қашқадарё | Шаҳрисабз | Қани | Қарши | 135 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| | | | | | | **10** | |
| 257 | Қашқадарё | Шаҳрисабз | Лолистон | Қарши | 110 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| 258 | Қашқадарё | Шаҳрисабз | Лолистон | Қарши | 110 | 10 | 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 |
| 259 | Қашқадарё | Шаҳрисабз | Лолистон | Қарши | 110 | 10 | 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30 |
| 260 | Қашқадарё | Шаҳрисабз | Лолистон | Қарши | 110 | 10 | 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40 |
| 261 | Қашқадарё | Шаҳрисабз | Лолистон | Қарши | 110 | 10 | 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50 |
| 262 | Қашқадарё | Шаҳрисабз | Лолистон | Қарши | 110 | 10 | 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60 |
| 263 | Қашқадарё | Шаҳрисабз | Лолистон | Қарши | 110 | 10 | 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70 |
| | | | | | | **70** | |
| 264 | Қашқадарё | Яккабоғ | Шулликирғиз | Қарши | 90 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| 265 | Қашқадарё | Яккабоғ | Шулликирғиз | Қарши | 90 | 10 | 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 |
| | | | | | | **20** | |
| 266 | Қашқадарё | Яккабоғ | Кутантепа | Қарши | 90 | 15 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15 |
| | | | | | | **15** | |
| 267 | Қашқадарё | Қарши | Мирмиран | Қарши | 95 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| 268 | Қашқадарё | Қарши | Мирмиран | Қарши | 10 | 10 | 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 |
| 269 | Қашқадарё | Қарши | Мирмиран | Қарши | 10 | 10 | 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30 |
| 270 | Қашқадарё | Қарши | Мирмиран | Қарши | 10 | 10 | 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40 |
| | | | | | | **40** | |
| 271 | Қашқадарё | Қарши | Янги Хонобод | Қарши | 12 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| 272 | Қашқадарё | Қарши | Янги Хонобод | Қарши | 12 | 10 | 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 |
| 273 | Қашқадарё | Қарши | Янги Хонобод | Қарши | 12 | 10 | 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30 |
| 274 | Қашқадарё | Қарши | Янги Хонобод | Қарши | 12 | 10 | 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40 |
| 275 | Қашқадарё | Қарши | Янги Хонобод | Қарши | 12 | 10 | 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50 |
| 276 | Қашқадарё | Қарши | Янги Хонобод | Қарши | 12 | 10 | 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60 |
| 277 | Қашқадарё | Қарши | Янги Хонобод | Қарши | 12 | 10 | 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80 |
| 278 | Қашқадарё | Қарши | Янги Хонобод | Қарши | 12 | 10 | 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90 |
| 279 | Қашқадарё | Қарши | Янги Хонобод | Қарши | 12 | 10 | 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100 |
| 280 | Қашқадарё | Қарши | Янги Хонобод | Қарши | 12 | 10 | 101, 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 109, 110 |
| 281 | Қашқадарё | Қарши | Янги Хонобод | Қарши | 12 | 10 | 111, 112, 113, 114, 115, 116, 117, 118, 119, 120 |
| 282 | Қашқадарё | Қарши | Янги Хонобод | Қарши | 12 | 10 | 121, 122, 123, 124, 125, 126, 127, 128, 129, 130 |
| | | | | | | **120** | |
| 283 | Қашқадарё | Fузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| 284 | Қашқадарё | Fузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 |
| 285 | Қашқадарё | Fузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30 |
| 286 | Қашқадарё | Fузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40 |
| 287 | Қашқадарё | Fузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50 |
| 288 | Қашқадарё | Fузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60 |
| 289 | Қашқадарё | Fузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70 |
| 290 | Қашқадарё | Fузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80 |
| 291 | Қашқадарё | Fузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90 |
| 292 | Қашқадарё | Fузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100 |
| 293 | Қашқадарё | Fузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 101, 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 109, 110 |

(Давоми 4-бетда)

## Миллий матбуот марказида

# БИРИНЧИ ЧОРАК ЯКУНИ

**«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК фаолияти ва 2012 йилнинг 1-чорагида амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

Анжуманда компания томонидан амалга ошираётган ишлар, инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг бажарилиши, юк ва йўловчи ташиш, маҳаллийлаштириш дастури бўйича, янги йўллар барпо этиш, темир йўл участкаларини электрлаштириш, вагонларни таъмирлаш, модернизация қилиш ҳамда локомотив ва вагонлар паркини янгилаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

— Таъкидлаш жоизки, тизимда биринчи чоракда йўловчи ташиш айланмаси 109,9 фоизга, юк ташиш айланмаси эса 105 фоизга бажарилди, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раиси ўринбосари Ҳусниддин Ҳосилов. — Компаниянинг ўз маблағлари ҳисобидан 67,65 млн. АҚШ доллари миқдорида ишлар қилинди. Жумладан, «Мароқанд — Қарши темир йўл участкасини электрлаштириш» лойиҳаси бўйича 2012 йил прогнози 5,2 млн. АҚШ доллари миқдорида, ҳисобот даврида 0,66 млн. доллар ўзлаштирилди.

«Қарши — Термиз темир йўл участкасини электрлаштириш» лойиҳаси бўйича прогноз 12,7 млн. АҚШ доллари миқдорида, ҳисобот даврида 2,01 млн. доллар йўналтирилди.

«Тошкент — Самарқанд» йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» поездлар ҳаракатини ташкил этиш» лойиҳаси бўйича 9,98 млн. доллар капитал маблағлар ўзлаштирилди. Шу йилнинг январидан «Afrosiyob» поездининг кунлик қатнови йўлга қўйилди. Бу йўналишда ҳозирга қадар 36 минг йўловчи ўз манзилига етказилди. Шунингдек, «Икки йўллик Жиззах — Янгиер электрлаштирилган янги темир йўли қурилиши» лойиҳаси ва «Навоий — Учқудуқ — Султон — Увайстоғ — Нукус» янги темир йўл инфратузилмаси қурилишини якунлаш лойиҳаси бўйича қатор ишлар бажарилди.

**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**




## Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки




**миллий валютадаги янги муддатли омонатларни амалга киритганини маълум қилади:**

### «Жозибали»

· сақлаш муддати — 4 ой;
· фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади;
· бошланғич бадал миқдори — 1 000 000 сўм;
· омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
· омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йилнинг 7 июлигача амалга оширилади.

### «Сердаромад»

· сақлаш муддати омонат очилиш вақтида, мижознинг хоҳишига кўра — 5, 8 ой ёки 1 йил;
· фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмаган ҳолда тўланади;
· бошланғич бадал миқдори — 1 000 000 сўм;
· омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
· омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йилнинг 1 июлигача амалга оширилади.

### «Хазина»

· сақлаш муддати — 5 ой;
· фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмаган ҳолда тўланади;
· омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
· омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йилнинг 20 августигача амалга оширилади.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

**Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.**

WWW. NBU.com
Хизматлар лицензияланган.



## «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖ

**2012 йил 31 май куни очиқ аукцион савдоларини ўтказади**

Савдоларга Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 5-уйда жойлашган Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги давлат фельдъегерлик хизмати балансидаги 2005 йилда и/ч, д/р 01/427 ZBA, бошланғич нархи 6 048 117,91 сўм бўлган «Нексия» ва 2005 йилда и/ч, д/р 01/428ZBA, 01/429 ZBA, 01/430 ZBA, бошланғич нархи 4 762 678,52 сўмдан бўлган 3 та «Дамас» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада;

— закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй. Маълумотлар кўрсатилган ушбу манзилдан олиниши мумкин.

Алоқа телефони (+998 93) 388-69-96, электрон почта: tkos-mail@inbox.ru.


## Реклама ва эълонлар

### ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ: 2012 - 04

2012 йил 28 апрелда чиқарилган.
Тендер таклифларини бериш муддати — 2012 йил 25 май соат 12.00 гача

*(Давоми. Боши 3-бетда.)*

| Лот № | Вилоят | Туман | Массив | Энг яқин марказ/шаҳар | Марказ/шаҳарга энг яқин масофа (км) | Лот бўйича уйлар сони | Лот бўйича уйлар рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 294 | Қашқадарё | Гузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 111, 112, 113, 114, 115, 116, 117, 118, 119, 120 |
| 295 | Қашқадарё | Гузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 121, 122, 123, 124, 125, 126, 127, 128, 129, 130 |
| 296 | Қашқадарё | Гузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 131, 132, 133, 134, 135, 136, 137, 138, 139, 140 |
| 297 | Қашқадарё | Гузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 141, 142, 143, 144, 145, 146, 147, 148, 149, 150 |
| 298 | Қашқадарё | Гузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 151, 152, 152, 154, 155, 156, 157, 158, 159, 160 |
| 299 | Қашқадарё | Гузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 161, 162, 163, 164, 165, 166, 167, 168, 169, 170 |
| 300 | Қашқадарё | Гузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 171, 172, 173, 174, 175, 176, 177, 178, 179, 180 |
| 301 | Қашқадарё | Гузор | Ёнқишлоқ | Қарши | 42 | 10 | 181, 182, 183, 184, 185, 186, 187, 188, 189, 190 |
| | | | | | | **190** | |
| | | | | | **Жами** | **675** | |
| 302 | Фарғона | Бешариқ | Янгиқўрғон | Қўқон | 15 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| | | | | | | **10** | |
| 303 | Фарғона | Бешариқ | Увада | Қўқон | 16 | 11 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11 |
| 304 | Фарғона | Бешариқ | Увада | Қўқон | 16 | 11 | 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22 |
| | | | | | | **22** | |
| 305 | Фарғона | Боғдод | Самарқанд | Қўқон | 40 | 13 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13 |
| 306 | Фарғона | Боғдод | Самарқанд | Қўқон | 40 | 14 | 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27 |
| | | | | | | **27** | |
| 307 | Фарғона | Бувайда | Алимерган | Қўқон | 10 | 12 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 11, 12, 13, 14, 15 |
| 308 | Фарғона | Бувайда | Алимерган | Қўқон | 10 | 12 | 8, 9, 10, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24 |
| 309 | Фарғона | Бувайда | Алимерган | Қўқон | 10 | 11 | 25, 26, 27, 28, 29, 30, 33, 34, 35, 36, 37 |
| 310 | Фарғона | Бувайда | Алимерган | Қўқон | 10 | 11 | 31, 32, , 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46 |
| | | | | | | **46** | |
| 311 | Фарғона | Данғара | Катта Аравон | Қўқон | 10 | 12 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12. |
| 312 | Фарғона | Данғара | Катта Аравон | Қўқон | 10 | 12 | 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27 |
| | | | | | | **24** | |
| 313 | Фарғона | Қува | Дамариқ | Фарғона | 30 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| | | | | | | **10** | |
| 314 | Фарғона | Қува | Пахтаобод | Фарғона | 30 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| 315 | Фарғона | Қува | Пахтаобод | Фарғона | 30 | 8 | 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18 |
| | | | | | | **18** | |
| 316 | Фарғона | Олтиариқ | Жилтин | Фарғона | 25 | 13 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13 |
| | | | | | | **13** | |
| 317 | Фарғона | Олтиариқ | Қўрғонча | Фарғона | 20 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| | | | | | | **10** | |
| 318 | Фарғона | Олтиариқ | Оқбўйра | Фарғона | 30 | 12 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12 |
| | | | | | | **12** | |
| 319 | Фарғона | Қўштепа | Қамиштепа | Марғилон | 3 | 12 | 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33 |
| 320 | Фарғона | Қўштепа | Қамиштепа | Марғилон | 3 | 12 | 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 34, 35, 36, 37 |
| 321 | Фарғона | Қўштепа | Қамиштепа | Марғилон | 3 | 13 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13 |
| | | | | | | **37** | |
| 322 | Фарғона | Қўштепа | Писсак | Марғилон | 3 | 8 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8 |
| | | | | | | **8** | |
| 323 | Фарғона | Риштон | Оқёр | Фарғона | 40 | 14 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14 |
| | | | | | | **14** | |
| 324 | Фарғона | Риштон | Абдуллабаён | Фарғона | 40 | 11 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11 |
| 325 | Фарғона | Риштон | Абдуллабаён | Фарғона | 40 | 11 | 12, 13, 14, 15, 16, 22, 23, 24, 25, 26, 27 |
| | | | | | | **22** | |
| 326 | Фарғона | Тошлоқ | Субвоши | Марғилон | 5 | 12 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12 |
| | | | | | | **12** | |
| 327 | Фарғона | Учкўприк | Эшимбек | Қўқон | 20 | 11 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11 |
| 328 | Фарғона | Учкўприк | Эшимбек | Қўқон | 20 | 11 | 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22 |
| | | | | | | **22** | |
| 329 | Фарғона | Учкўприк | Муллазоир | Қўқон | 20 | 15 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15 |
| 330 | Фарғона | Учкўприк | Муллазоир | Қўқон | 20 | 14 | 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29 |
| | | | | | | **29** | |
| 331 | Фарғона | Фарғона | Аввал | Фарғона | 5 | 11 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11 |
| 332 | Фарғона | Фарғона | Аввал | Фарғона | 5 | 11 | 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22 |
| 333 | Фарғона | Фарғона | Аввал | Фарғона | 5 | 11 | 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33 |
| 334 | Фарғона | Фарғона | Аввал | Фарғона | 5 | 11 | 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44 |
| | | | | | | **44** | |
| 335 | Фарғона | Фарғона | Ёшларобод-2 | Фарғона | 17 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| 336 | Фарғона | Фарғона | Ёшларобод-2 | Фарғона | 17 | 10 | 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 |
| | | | | | | **20** | |
| 337 | Фарғона | Фарғона | Ёшларобод | Фарғона | 17 | 10 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 |
| | | | | | | **10** | |
| 338 | Фарғона | Фурқат | Қизилқиёқ | Қўқон | 25 | 14 | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14 |
| | | | | | | **14** | |
| | | | | | **Жами** | **424** | |
| | | | **Ҳаммаси бўлиб** | | | **1497** | |


## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:**

1.Араб филологияси кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.

2.Туркий тиллар кафедраси: профессор — 1 ўрин.

3.Корейс филологияси кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.

4.Педагогика ва жисмоний тарбия кафедраси: доцент — 1 ўрин.

5.Мумтоз филологияси кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин.

6.Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.

7.Ғарбий Европа тиллари кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.

8. Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин.

9.Роман-герман тиллари кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.

10.Жанубий Осиё тиллари кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.

11.Математика ва информатика кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.

12.Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

### ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан)
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари
4. Илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати

100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз (собиқ Лоҳутий) кўчаси, 25.

**Тел: 233-45-21, 233-44-36.**

Истиқлол имкониятлари

# АНДИЖОН:
# БУНЁДКОРЛИК ҒОЯСИ АМАЛДА

## унинг самаралари кўнгилларни шод ва обод қилмоқда







**БУГУННИНГ ГАПИ**

Мустақиллик Андижонга ҳам беқиёс имконият, буюк ўзгаришлар олиб келди. Мамлакатимизнинг янги саноат тармоғи — автомобилсозликка шу ерда асос солинди. Бир вақтлар хомашё базаси бўлган Андижон эндиликда тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларни хорижга экспорт қиладиган музофотга айланди. Вилоят маркази, туманлар қиёфаси бутунлай ўзгарди. Қайси кўчага кирманг, кечаги кўримсиз бинолар ўрнида замонавий муҳташам уй-жойлар, саройларни кўриб кўз қувонади, кўнгил яшнайди.

Бугун бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Кўча ва майдонлар жаҳон андозаси даражасида бутунлай қайта қурилмоқда. Йўлларнинг икки тарафидаги ижтимоий объектлар, турар-жойлар замонавий лойиҳалар асосида барпо қилинмоқда. Андижон шаҳрида бир ярим йил олдин бўлган одам бугун уни таний олмайди. Бу шиддатли бунёдкорлик ва ободончилик Андижон вилояти турар-жой массивлари учун коммунал инфратузилмани жадал ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор ижросининг дастлабки натижаларидир.

**БУ ҚАДИМ ЙЎЛЛАР**

— **Андижон ўзига хос шаҳарсозлик анъанасига, ўз қиёфасига эга бўлиши лозим,** — деди Президент Ислом Каримов ўтган йили вилоятга ташрифи чоғида. — **Ҳар бир йўлни қуриш, реконструкция қилишда автомобилларнинг ҳаракатланиши ва уларнинг йилдан-йилга кўпайиб боришини ҳисобга олиш зарур. Бу борада «Ўзбекистон» кўчасининг қурилиш лойиҳаси нафақат Андижон, балки бошқа вилоятларимиз шаҳарлари учун ҳам яхши намуна бўла олади.**

Чин-Мочиндан Даванга (Фарғона водийсининг қадимий номи) келган савдо карвонлари дастлаб шу масканда тўхтаб, сўнгра Соҳибқирон салтанатининг пойтахти Самарқандга ва ундан кейин Оврўпога йўл олган. Ҳозир шу Буюк ипак йўлидан Асакада тайёрланган «Nexia», «Damas», «Matiz», «Epica», «Lacetti», «Spark» енгил автомобиллари, «Captiva» жиплари, Самарқандда ишлаб чиқарилган «Isuzu» автобуслари, «MAN» автогигантлари қатнови тинмайди. Вилоят ҳудудида 103 километр халқаро, 820 километр республика, 1560 километр маҳаллий аҳамиятга молик, жами 2463 километр йўл мавжуд.

Вилоят марказидаги Амир Темур кўчаси, шоҳбекат объекти ва аэропортга элтувчи шоҳкўчада қурилиш ишлари авжида. Илгари ўн йиллаб «пардоз» кўрмаган бу кўчалар бугун кенгайтирилиб, юк ўтказиш қуввати оширилмоқда.

**ЯЙРАБ ЯШАШ — БОШ МЕЗОН**

Андижонликлар ўтган йили жами 398 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бажарди. Йил дастуридаги режа 138 фоиз адо этилди. Намунавий лойиҳалар ва замонавий меъморчилик талаблари асосида 709 минг квадрат метр уй-жой қурилди. 5100 дан ортиқ оила янги уйларга кўчиб ўтди. Бу соҳага аҳоли улушидан ташқари, тижорат банкларининг 55 миллиард сўмлик имтиёзли кредит маблағи сарфланди.

**Ўтган йил кузда Президентимизнинг Андижонга келиб, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган замонавий қишлоқ уйлари, шаҳардаги «Ўзбекистон» кўчаси ва ундаги меъморчиликнинг энг сўнгги намуналари асосида қурилган муҳташам биноларни кўздан кечиргани, вилоят аҳли вакиллари билан ўтказган учрашувлари ҳамманинг ёдида.**

Ҳартум қишлоғидаги «Ўриkзор» маҳалласида қад ростлаган уйларда коммунал инфратузилманинг барча қулайликлари мавжуд. Бу ерда аҳоли уй-жойлар билан бирга, ижтимоий-маданий, тиббий хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳа объектлари — табиий газ, тоза ичимлик суви, электр қуввати, транспорт ва коммуникация хизматларидан баҳраманд бўлмоқда. Мусиқа ва санъат мактаби ҳам маҳаллада яшовчи ўғил-қизлар учун муносиб туҳфа бўлди. Янги уйлар ўрин олган «Камолот» кўчасидан ўтганлар унинг ободлиги ва биноларнинг кўркамлигига ҳавас билан қарашади.

Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, маданий ҳаёт кечиришини таъминлашда коммунал инфратузилмани ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёсдир. Қисқа вақт ичида вилоятда 214 километр ичимлик суви тармоғи, 45 да қудуқ, 98 километр газ, 87 километр электр узатиш тизимини қуриш, реконструкция қилиш ва таъминлаш ишлари бажарилди. 55 та трансформатор ўрнатилди. 25 километр масофадаги кўча ёритгичлари янгиланди. 1221 хонадонга телефон ўрнатилди. Йўловчи ташиш хизматини яхшилаш мақсадида режадаги 50 та ўрнига 100 та «Isuzu» автобуси сотиб олинди. Йўловчи ва юк ташиш транспорти ҳаракати учун катта қулайлик яратилди. Хўжаобод, Пахтаобод ва Избоскан туманларида қатор янги мактаблар қурилди.

**АНДИЖОН — СПОРТСЕВАР ЁШЛАР ЮРТИ**

Кейинги йилларда вилоятда аҳоли саломатлигини яхшилаш, айниқса, ёшларни жисмоний чиниқтириш масаласига катта эътибор берилди. Вилоят ёшлари орасидан чиққан машҳур боксчилар Муҳаммадқодир Абдуллаев, Қувончбек Тайганбаев, Қаҳрамон Орзиқулов, нуфузли WBA йўналишида Осиё чемпионлари Ғайратбек Аҳмедов, Равшан Худойназаров, Шерзод Олимжоновлар Ватанимиз спорт донғини дунёга таратди. Жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиблари Ўткирбек Ҳайдаров, Баҳодир Султонов, Зоҳиджон Ҳурбоев, Шуҳрат Абдуллаев, Санжар Раҳмонов мамлакатимиз ёшларининг ифтихорига айланган. Ўтган йили Бокуда ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашган Жасурбек Латипов Лондон олимпиадасига йўлланмани қўлга киритди.

Кейинги вақтда бадиий гимнастика бўйича мусобақаларда ҳам андижонликларнинг вакиллари юқори натижаларга эришмоқда. Спорт соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган иншоотлар бунёд этиш давлатимизнинг диққат-марказида турибди. Андижон профессионал футбол клуби қошида барпо этилган Болалар ва ўсмирлар футбол мактаби ўтган ўқув йилидаёқ ишга туширилди. Унда ҳозирги кунда 8-16 ёшдаги 722 бола 52 та гуруҳда машғулот ўтказмоқда.

Бу йилги бунёдкорлик дастурида вилоят марказидаги «Халқлар дўстлиги» ва Пахтаобод тумани марказий стадионларини кенгайтириш, спортчи ва томошабинлар учун қулайликлар яратиш кўзда тутилган. Ҳозир капитал қайта қуриш ишлари шиддатли паллага кирди.

**ТУЙҒУЛАР УЙҒОНСА ГЎЗАЛ!**

Шу кунларда вилоятнинг қаерига борманг, бунёдкорлик тобора авж олаётганига гувоҳ бўласиз. Жорий йилда якка тартибдаги қурилишлар ҳисобига 665 минг квадрат метр уй-жой, 325 та хизмат кўрсатиш ва сервис объекти барпо этилади. Кўрғонтепа, Андижон ва Марҳамат туманларида ҳар бири 315 ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари, шаҳар яқинидаги Ўриkзор даҳасида «Водий фаол ёшлари» мажумаси фойдаланишга топширилади. Бу давлатимиз ёш авлод толеини ўйлаб қилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодасидир.

Андижонга ташриф буюрган меҳмонларнинг қадами узилмайдиган Алишер Навоий номли истироҳат боғини қайта қуриш, бу масканда кишиларнинг кўнгилли дам олишини таъминловчи аттракционлар, томошагоҳ, фавворалар, спорт майдончаларига бутунлай янгича қиёфа бахш этиш меъмор ва қурувчиларнинг шиорига айланган. Шунингдек, Булоқбоши туманидаги Марказий истироҳат боғи ҳам мукаммал реконструкция қилинмоқда.

Юқорида айтилган қарор моҳият эътибори билан аҳолиси зич вилоятнинг ижтимоий ҳаётида туб бурилиш ясамоқда. Чунки қарор сатрларида яратувчилик меҳнати билан банд инсоннинг турмуши, дам олиши, спорт билан шуғулланиши, фарзандларининг малакали таълим олиши, маънавий оламини бойитиши, қўйингки, ҳаётнинг барча жиҳатларини яхшилашни кўзда тутувчи ишлар белгилаб қўйилган. Унинг амалий ижроси нафақат андижонликлар, балки шаҳарни зиёрат қилиш учун келган юртдошларимиз қалбида она-Ватанимиз ободлиги билан ғурурланиш туйғусини уйғотмоқда.

**Абдуваҳоб АБДУБАННОПОВ,**
**Аҳмадулло СОЛИЕВ.**

✧✧✧

**Азамат ТОШМАТОВ олган суратлар.**

Ҳуқуқий тарғибот

## *Диққат: 1-31 май кунлари мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бўлиб ўтади*

# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ БАРЧАНИНГ ИШИ

***— Йўл-транспорт ҳодисалари асосан қандай сабабларга кўра содир бўлади?***

— Таҳлилларга кўра, асосан, йўл ҳаракатидаги қоидабузарликлар, жумладан, белгиланган тезликни ошириш, светофорнинг қизил ишорасига амал қилмаслик, транспорт воситасини маст ҳолатда бошқариш, транспорт воситаларининг техник носозлиги, болаларни беэътибор қолдириш, йўлларнинг қатнов қисмидаги лоқайдлик, эътиборсизлик туфайли йўл транспорт ҳодисалари содир бўлмоқда. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият, корхона, ташкилот, муассаса, хўжалик раҳбарларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ишларига кам эътибор қаратиши ҳам йўл транспорт ҳодисаларига сабаб бўляпти.

Жорий йилнинг уч ойи давомида ходимларимиз томонидан 763 минг 943 та қоидабузарлик аниқланган. Улардан 329 минг 273 таси қўпол қоидабузарликлардир. Жумладан, 10 минг 978 тасида ҳайдовчилар автомобилни маст ҳолатда бошқарганлар. Шунингдек, 16 минг 485 та ҳолатда пиёдалар томонидан қоидабузарликлар содир этилганлиги аниқланди. Ушбу рақамлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишида барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарлари зиммасига ҳам ойлик давомида эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифалар юклатилган. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар Юқори Кенгаши ва ҳар бир вилоятдаги ҳаракат хавфсизлиги комиссиялари ўзларига тегишли ҳудудларда йўллардаги ҳолатни назорат қилиш, аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқиб, муайян ишларни амалга оширишади. Жумладан, марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам чиқишлар ташкил этиш, ойлик тўғрисида реклама, эълонлар, турли кўринишдаги йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилувчи панно, шиор, видеороликлар намойиши режалаштирилган. Тарғибот ходимлари томонидан маҳалла, мактаб, ўқув муассасалари, ташкилотларда турли жонли суҳбатлар, ўқув семинарлари ўтказилади. Бунда «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ҳокимиятлар, ОАВ билан ҳамкорликда иш олиб борилади. Йўл-транспорт ҳодисалари сони ошган ҳудудларнинг маҳаллий ҳокимликлари, ҳайдовчилари томонидан кўплаб автоҳалокатлар содир этилишига йўл қўйилган идора ва ташкилот раҳбарлари фаолияти ҳудудлардаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссияларида муҳокама қилиниб, тегишли чоралар кўрилади. Йўл ҳаракати қатнашчилари томонидан «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя этилишини ўрганиш ва назорат қилиш мақсадида автокорхоналарнинг ҳаракат хавфсизлиги муҳандислари, халқ посбонлари, тиббиёт ходимлари, оммавий ахборот воситалари ходимларидан иборат махсус гуруҳлар тузилиб, рейдлар ўтказилади ва уларнинг натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Республикамиз ҳудудидаги йўллар, бозорлар, идора ва ташкилотлар, болалар муассасалари атрофидаги пиёдалар йўлакчалари, ер ости ўтиш жойлари, пиёдалар ўтиш жойларининг чизиқлари, йўл белгилари, светафорларнинг мавжудлиги ҳамда ҳолатини текшириш, зарур бўлса, уларни қуриш, ўрнатиш ва чизиш, эскиларини янгилаш юзасидан маҳаллий ҳокимликларга тақдимномалар киритилади.



***— Йўл ҳаракати иштирокчиларига тавсия ва истакларингиз?***

— Йўлларимизда содир бўлаётган турли ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини хавфсизлигини таъминлаш фақатгина йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси эмас. Уйдан кўчага чиқдингизми, сиз йўл ҳаракати иштирокчисига айландингиз, белгиланган йўл ҳаракати қоидасига амал қилишингиз шарт ва зарур. Йўлда бир сонияга кечикиш ёки шошилиш ҳам инсон ҳаётига хавф туғдириши ҳеч гап эмас. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳар сафар ушбу ойлик давомида қоидабузарлик ва ЙТҲлар сони кескин камаяди. Демак, барчамизнинг шу муаммога бўлган эътиборимиз кучайганда, бахтсиз ҳодисалар камаяр экан. Шунинг учун ҳам ойлик давомида кенг жамоатчилик эътиборини мазкур муаммога қаратамиз. Барча пиёдалар, ҳайдовчилар, йўловчилар ва айниқса, болаларни йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишга ҳамда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»да фаол иштирок этишга чақирамиз.

**Мансуржон РИХСИЕВ**
**суҳбатлашди.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Тадбир

Республика Бош прокуратурасида прокуратура органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

# ПРОКУРАТУРАНИНГ АМАЛИЙ ЁРДАМИ ТУФАЙЛИ

## *11800 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди*

Унда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш юзасидан етарли норматив-ҳуқуқий база яратилганлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кенг қамровли тадбирлар ўтказилаётганлиги таъкидланди. Ушбу қонун ҳужжатларининг бажарилишини таъминлашда прокуратура органлари томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот берилди. Жумладан, ўтган йили ва жорий йилнинг 3 ойида прокуратура органлари томонидан бу соҳада аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 851 та тақдимнома киритилгани, қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш хусусида 1144 та протест келтирилгани, 1661 нафар мансабдор шахслар қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилган. 1027 нафар шахс интизомий, 326 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилгани, тадбиркорларнинг 11 млрд. сўмдан ортиқ ҳақларини ундириш юзасидан судларга 1000 дан ортиқ аризалар киритилгани, қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 155 та жиноят иши қўзғатилганлиги айтиб ўтилди.

**Маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда 430 мингдан ортиқ тадбиркорлар билан 8800 дан зиёд учрашувлар ўтказилиб, 6700 нафар тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатилгани, бунинг натижасида 11800 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилганлиги хусусида тўхталиб ўтилди.**

Бош прокуратура масъул ходимлари кун тартибидаги масала бўйича оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларига жавоб бердилар.

**(Ўз мухбиримиз).**

Хориж

# ИЧИМЛИК СУВ МУАММОСИ

## *фақат Африка қитъасига тегишли эмас*

***Дарҳақиқат, ичимлик суви етишмаслигини фақат Африка ёки Осиё қитъасига тегишли муаммо дейиш нотўғри. Буни апрель ойи бошларида Буюк Британия ҳукумати томонидан қабул қилинган қарор ҳам тасдиқлайди.***



Гап шундаки, Британия ҳукумати сувни тежаб ишлатишга доир янги тартиб жорий қилди. Мазкур чеклов тартибига кўра, боғ ва майсазорларни рухсатсиз суғориш, ҳовуз ва фавворларни сувга тўлдириш ман қилинди. Ҳатто автомобилларни ювиш ҳам сувдан оқилона фойдаланган ҳолда амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда айбдорларга нисбатан маъмурий жазо қўлланади.

Чеклов ижросини таъминлаш мамлакатдаги сув таъминотига ихтисослашган 7 та компания зиммасига юклатилган.

Мутахассисларнинг айтишларича, сувдан бундай оқилона фойдаланиш сув исрофгарчилигини 10 фоизга қисқартираркан.

# ЧЕКИШГА ҚАРШИ КУРАШ

## *давом этади*

***Европанинг бир қатор мамлакатлари, АҚШ, Осиё давлатларида чекишни тақиқлаш бўйича қонунлар қабул қилинган.***

Яқинда Австралия ҳукумати ҳам шундай тақиқлов жорий этди. Мамлакатда чекишни тақиқлаш мақсадида тамаки қутиларига фирма номини ёзиш ман этилди. Энди фақат яшил рангда ишлаб чиқарилиши лозим бўлган сигарет қутиларига катта ҳарфлар билан ушбу маҳсулотнинг саломатликка зарари ҳақида ёзув битилади холос.

Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, дейилади «AFP» АА хабарида, ўлкада чекиш оқибатида келиб чиқадиган касалликлар туфайли ҳар йили қарийб 20 минг киши ҳаётдан кўз юмади.



Тақиқловдан кейин вазият ижобий томонга ўзгаришига кўпчилик умид қилмоқда. Лекин тамаки ишлаб чиқарувчи компаниялар раҳбарлари бу қарордан норози. Негаки, уларнинг айтишларича, сигарет қутиларига фирма бренди туширилмаслиги бозорларда қалбаки маҳсулотлар кўпайишига сабаб бўлиши мумкин экан.

Куч — билим ва тафаккурда!

# ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

## ва ғамхўрлик туфайли шундай ютуқларга эришдим, дейди Президент стипендианти Наргиза ЮЛДАШЕВА

**У 2008 йилда Гурлан туманидаги 16-умумтаълим мактабини муваффақиятли тамомлаб, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти табиатшунослик ва география факультетига ўқишга кирди.**



— Мен Наргиза билан бир гуруҳда ўқийман, — дейди Насиба Бозорова. — У тиниб-тинчимайди. Бадиий ва илмий адабиётларни ўқиб боради. Жамоат ишларида фаол қатнашади. Наргиза илм-фан билан чекланиб қолмасдан бадиий ижод билан ҳам шуғулланади. Шеърлари, публицистик мақолалари газета-журналларда нашр этилган.

Интилувчан талаба бугунги кунда «Маҳаллий хомашёлар ва чиқиндиларнинг кимёвий таркибини ўрганиш ва улардан силикат материаллар тайёрлаш» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда. Унинг 20 дан ортиқ мақолалари ўзбек ва рус тилларида илмий тўпламларда нашр қилинган.

— Наргиза билимдонлиги, талабчанлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Келажакда у кимё фани ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган олима бўлишига ишонаман. Унинг билим даражаси кенг, чуқур, мустақил фикрлай олади, — дейди техника фанлари номзоди, доцент Гулистон Оразимбетова.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

2012— йил Мустаҳкам оила йили

# ЭРТА ТУРМУШ ҚУРИШ

## ва унинг салбий оқибатлари ҳақида



**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида навбатдаги он-лайн мулоқот бўлиб ўтди. Унда Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази директори Маҳмуда Каттахўжаева, мазкур Марказнинг болалар ва ўсмирлар репродуктив саломатлик бўлими бошлиғи Феруза Раҳматуллаева, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети амалий психология кафедраси катта ўқитувчиси Феруза Алимова, «Ниҳол» мукофоти совриндори Женисбек Пиязов ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати Бахтижон Исроиловалар иштирок этишди.**

**САВОЛ: — Мавзуни қай даражада долзарб деб ўйлайсиз?**

**Маҳмуда КАТТАХЎЖАЕВА:**

— Мен шифокор сифатида ҳамда ўсмирлар соғлиги билан шуғулланувчи мутахассис сифатида шуни айтаманки, ҳамма нарсанинг меъёри бўлганидек, турмуш қуришнинг ҳам ўз меъёри бор. Қонунчилигимизда бу меъёр белгилаб қўйилган. Эрта турмуш қуриш инсон соғлиғини оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин. Чунки она организми фарзанд кўриши учун етарли даражада ривожланиши керак. Бу масалага, аввало, ота-оналар жиддий эътибор қаратиши, ўз фарзанди тақдирига қайғуриши зарур.

**САВОЛ: — Сизнингча неча ёшдан турмуш қуриш маъқул?**

— Турмуш қуриш ёши имкон қадар каттароқ бўлгани маъқул, деб ўйлайман. Ҳозирда бу борада қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш масаласи кўрилмоқда. Қайси ёш белгиланишидан қатъи назар, йигитлар оёққа туриб олгач, оилани боқишга имконияти етгандан сўнг, 24-25 ёшда уйлангани маъқул. Қизлар учун эса ўзимдан мисол келтираман, 23 ёшимда биринчи фарзандим туғилди. Ҳозирда 3 нафар фарзанднинг онасиман, фан номзоди бўлдим. Асосийси, келажакни ўйлаб иш қилиш керак.

**САВОЛ: — Қизлар орасида эрта турмушнинг олдини олиш учун ота-оналарга қандай тавсиялар беришни хоҳлардингиз?**

— Ҳозир бу борада кенг жамоатчилик орасида катта ишлар қилинмоқда. Биз мутахассислар тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боряпмиз. Мен бу жараённи тиббиётда қўлланиладиган «трансплантация» термини билан атаган бўлар эдим. Биламиз, трансплантация деганда бир организмдаги бир органни иккинчи организмга ўтказиш тушунилади. Ёшларни турмушга бериш ва турмушга тайёрлашда ота-оналар узоқни ўйлаб иш тутишлари керак.

**САВОЛ: — Йигитларни эрта уйланишининг салбий оқибатлари нималардан иборат?**

**Феруза АЛИМОВА:**

— Психолог сифатида шуни айтиб ўтмоқчиманки, эрта оила қурган йигитлар айрим ҳолатларда оила масъулиятини зиммасига ола билмайди. Улар оила муқаддаслиги, унинг мустаҳкамлиги, турмуш ўртоғининг тақдири учун масъулигини тўла ҳис этмайди. Натижада ўртада келишмовчиликлар рўй беради...

**САВОЛ: — Ёшларнинг оила қуришида ота-оналар нималарга кўпроқ эътибор бериши керак?**

— Ота-оналар қизларини яхши жойга узатишни, ўғилларига яхши оиладан келин олишни жуда хоҳлайди. Кўпинча сиртдан яхши кўринган оилаларнинг ўзига яраша муаммолари бўлиши мумкин.

Шунинг учун имкон қадар бир-бирини яхши билган ёшлар ўртасидаги никоҳ мустаҳкам бўлади. Базан ота-оналар келин ёки куёв танлашдан кўра, оила танлашга кўпроқ қизиқишади. Бу ҳам кейинчалик ўзига хос муаммоларни келтириб чиқаради. Ота-оналар, аввало, ёшлар қай даражада бир-бирига мослиги ҳақида кўпроқ ўйласа, тўғри бўлади.

**Савол: — Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатисиз, Оксфорд университетида ўқиш йўлланмасини қўлга киритгансиз. Айтингчи, ушбу эришган ютуқларингизда оиланинг нечоғлик ўрни бор?**

**Бахтижон ИСРОИЛОВА:**

— Ижодий фаолиятимни 2005-йил шеърлар ёзишдан бошладим. «Янги авлод», «Келажак овози» танловларида фахрли ўринларни эгалладим. 2011 йилда дунёнинг машҳур университетларидан бири Оксфорд университетига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндим. Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Бу каби ютуқларга эришишимда албатта оиламнинг, ота-онамнинг ғоятда ўрни катта. Оила аъзоларим қўллаб-қувватламаса, менга тўғри йўл кўрсатишмаса, шароит яратиб беришмаса, бугунги даражага етолмаган бўлардим.

**САВОЛ: — Ёш оила бошлиғи сифатида оилани мустаҳкам тутиб турувчи куч нимада деб ўйлайсиз?**

**Женисбек ПИЯЗОВ:**

— Оила мустаҳкамлигининг асоси — бу ўзаро ишонч. Оила қурганимга 1,5 йил бўлди. Оиламиз мустаҳкамлиги, иноқлигимиз бир-биримизга бўлган муҳаббат, ўзаро ишонч, ҳурматдан деб биламан. Шунинг учун ёшлар бир-бирини севиб, синаб, ишониб оила қуриши керак.

**Темур АЪЗАМ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Спорт

# ОЛТИНЧИ ТУР ЎЙИНЛАРИДА

**Футбол бўйича Ўзбекистон XXI миллий чемпионати 6-тур учрашувлари кескин курашлар остида ўтди. Эътиборли жиҳати, ўтказилган еттита ўйиннинг бештасида томонлар муроса йўлини танлашди.**

Турнинг марказий баҳсида «Локомотив» — «Пахтакор» жамоалари майдонга тушди. Унда учрашув олдидан меҳмонларнинг имкониятлари юқори баҳоланаётганди. Гарчи, унда пахтакорчилардан Станислав Андреев ҳисобни очган бўлса-да, иккинчи бўлимда Дилшод Жабборов ўртадаги фарқни йўққа чиқарди — 1:1.

Мазкур турдан жой олган «Қизилқум» (Зарафшон) — «Динамо» (Самарқанд), «Шўртан» (Ғузор) – «Олмалиқ» (Олмалиқ), «Навбаҳор» (Наманган) — «Бухоро» (Бухоро) жамоалари учрашувларида ҳам худди шундай ҳисоб қайд этилди. Муборакда ўтган «Машъал» — «Насаф» футболчилари баҳсида эса дарвозалар дахлсизлиги сақлаб қолинди — 0:0.

«Андижон» — «Нефтчи» жамоалари ўйинида мезбонлар мавсумдаги илк ғалабани ўз ҳисобларига ёзиб қўйишди — 1:0. Тошкентда «Бунёдкор» футболчилари Бекободнинг «Металлург» жамоасини 3:1 ҳисобида доғда қолдирди.

Еттинчи тур баҳслари 6-8 май кунлари бўлиб ўтади.

**(Ўз мухбиримиз)**



Қарор ва ижро

**2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш тўғрисидаги Қарорга асосан Жиззах шаҳридаги эллик ўринли қариялар пансионати «Жиззах» санаторийсига айлантирилди.**

# КЕКСА ВА НОГИРОНЛАР САЛОМАТЛИГИНИ ТИКЛАШ МАСКАНИ

— Ўтган йили санаторийда 1400 нафар кекса, ногирон, уруш ва меҳнат фахрийлари дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлади, — дейди бош шифокор, ЎзХДП фаоли Зокиржон Эшмуродов. — Уларга 61 нафар шифокор ва ёрдамчи ходимларимиз тиббий хизмат кўрсатишди.

Жойлардан йўлланма билан келиб, санаторийда дам олаётган, дардларига шифо топаётган кишиларни суҳбатга тортдик.

— Жиззах шаҳрида яшайман, — дейди Фотима Машарипова. — Бу ердаги муолажалар менга ёқди. Шифокорларнинг ширин сўзлигини айтмайсизми, болам. Барака топишсин.

— Саксон ёшдан ошдим, — дейди шаҳарнинг «Қалия» маҳалласида умргузаронлик қилаётган Тўпа Эшмирзаева. — Қизим бу ерга олиб келганди. Овқатлари мазали, малҳамлари шифоли экан. Насиб этса, яна келаман. Биз — қарияларга шундай шароитлар, қулайликлар яратиб бераётганларнинг умри узоқ бўлсин.

— Бу ерда Озод Йўлдошев деган шифокор бор, — дейди Дўстлик туманидан келган Очил Қаландаров. — Қўли енгил, меҳрибон, дилкаш инсон, суҳбат қилиб сира тўймайсиз.

Айни пайтда боғу роғлар оғушидаги соя-салқин санаторий ҳудудида 100 ўринли замонавий бино қурилиши бошлаб юборилган.

— Янги биномиз битгандан сўнг фаолиятимиз кўлами, хизматлар сифати янада яхшиланади, — дейди бош шифокор. — Қўшимча тиббиёт асбоб-ускуналарига эга бўламиз, муолажа усулларини қўллаш имкони кенгаяди.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ПОЛВОНЛАРИМИЗ ЭРИШГАН ЮТУҚЛАР

**Дзюдо бўйича Лондон олимпиадаси йўлланмалари учун якуний рейтинг очколари берувчи Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз икки олтин ва икки бронза медали билан тақдирланди.**

Қитъамизнинг йигирма олти давлатидан келган 185 нафар дзюдочи ўртасида кечган ҳар бир беллашув ниҳоятда мурosaсиз ва кескин ўтди. Мусобақанинг дастлабки икки кунида аёллар ва эркаклар ўртасида еттитадан вазн тоифасида кучлилар номига ойдинлик киритилди. Сўнгра мухлислар жамоавий беллашувларга гувоҳ бўлишди. Чемпионат низомига кўра, ҳар бир вазн тоифасида кучли еттиликдан жой олган спортчиларга Лондон олимпиадасига йўлланма берувчи рейтинг очколарининг тақдим қилиниши беллашувларга ўзига хос шиддат бахш этди.

Мураббийларимиз аёллар ўртасидаги баҳсларда Нодира Гулова (48 кг), Римма Гулова (52 кг), Дилдора Убайдуллаева (57 кг), Наргиза Ҳамдамова (63 кг), Гулноза Матниёзова (70 кг), Ирода Матмуротова (78 кг) ҳамда Елена Могилина (+78 кг)ларга ишонч билдиришганди. Якунда улардан Римма Гулова ҳамда Гулноза Матниёзовалар бешинчи ўринни эгаллашган бўлса, Елена Могилина, Дилдора Убайдуллаевалар эса еттинчи ўрин билан кифояланишди.

Эркаклар ўртасидаги беллашувларда нафақат қитъамизнинг, балки жаҳоннинг энг етакчи дзюдочилари гиламга чиқди. Ҳамюртларимиздан Ришод



Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Собиров (60 кг) ҳамда Абдулла Тангриев (+100 кг)лар ўз вазн тоифасида муддатидан илгари Лондон олимпиадаси учун рейтинг очколарини жамғариб бўлганлиги боис, улар Осиё чемпионати шахсий беллашувларида қатнашмади. Улар ўрнига гиламга чиққан умидли ва иқтидорли дзюдочиларимиз Улуғбек Азизов (60 кг) еттинчи, Одилжон Тулендибоев (+100 кг) эса бешинчи натижани кўрсатишди. Қолган беш нафар вакилимиз — Мирзоҳид Фармонов (66 кг), Наврўз Жўрақобилов (73 кг), Яхё Имомов (81 кг), Дилшод Чориев (90 кг), Рамзиддин Саидов (100 кг)лар ҳам беллашувлар давомида ўзларига билдирилган ишончни оқлашди.

— Бу мусобақага қадар эркаклар ўртасида етти вазн тоифасидан олтитасида дзюдочиларимиз Лондон олимпиадаси йўлланмалари учун етарли рейтинг очколарини жамғариб бўлишганди, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Андрей Штурбабин. — Шу боис, аксарият спортчиларимиз учун мазкур Осиё чемпионати XXX ёзги Олимпия ўйинлари олдидан синов вазифасини ўтаб берди. Қувонарлиси, мамлакатимиз дзюдочилари энди Лондон олимпиадасида тўлиқ таркиб билан Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлдилар.

Ер куррасининг энг йирик мусобақаси олдидан муҳим ҳозирлик вазифасини ўтаган қитъа чемпионатида Мирзоҳид Фармонов бешинчи натижани қайд этган бўлса, Дилшод Чориев ҳамда Рамзиддин Саидовларнинг юксак ғалабалари шарафига юртимиз байроғи кўтарилди. Яхё Имомов ва Наврўз Жўрақобилов бронза медали билан тақдирландилар.

Жамоавий беллашувларда ҳам ҳамюртларимиз муносиб иштирок этдилар. Жумладан, унда Жанубий Корея ҳамда Япония вакиллари олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлган бўлса, Ўзбекистон ва Қозоғистон дзюдочилари шоҳсупанинг фахрли учинчи поғонасидан жой олишди.

— Дзюдо — Шарқ яккакураши тури бўлганлиги учун Осиё чемпионати беллашувларида рақобат жуда юқори эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим, — деди Осиё дзюдо уюшмаси президенти, қувайтлик Убайд ал-Анзи. — Жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинлари баҳсларига назар ташласангиз, асосан медаллар учун кураш қитъамиз дзюдочилари ўртасида кечади. Шу боис, Тошкентда ўтган беллашувларни мутахассислар диққат билан кузатиб боришди. Мусобақа ғолиб ва совриндорлари қаторидан жой олган аксарият спортчиларни Лондон олимпиадаси кучлилари сафида кўрсак ажаб эмас. Режага кўра, мазкур нуфузли мусобақада қитъамиз шарафини ҳимоя қиладиган дзюдочилар номи 2 май куни аниқ бўлади. Шу куни дзюдо бўйича якуний рейтинг очколари эълон қилинади.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ОБ-ҲАВО 01-02 – 05. 2012**

*Юртимиз бўйлаб (°С)*

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | | |
| +13 / +18 | +23 / +28 | |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | | |
| +12 / +17 | +25 / +30 | |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | | |
| +13 / +18 | +25/+30 | |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | | |
| +13 / +18 | +25 / +30 | |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | | |
| +12 / +17 | +23 / +28 | |
| Тошкент шаҳри | | |
| +13 / +15 | +23 / +27 | |

*Дунё бўйлаб (°С)*

| | |
|---|---|
| Лондон | +10 / +7 |
| Париж | +11 / +10 |
| Москва | +3 / +1 |
| Мадрид | +5 / +6 |
| Пекин | +16 / +13 |
| Гонгконг | +27/ +27 |
| Рим | +12 / +11 |
| Афина | +16 / +16 |
| Токио | +16 / +15 |
| Стокгольм | +2 / +2 |
| Кейптаун | +12 / +13 |
| Қоҳира | +17 / +20 |
| Гавана | +25 / +25 |
| Вашингтон | +18 / +16 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 546
17356 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 00.50
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Temur XUDOYBERDIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5